

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

213 **Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1514-1

(2012 йил 20 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 октябрдаги 284-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарори) қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 455-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 сентябрдаги 268-В, 64, 94, 01-02/19-22-сонли қарори (рўйхат рақами 1514, 2005 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 40-сон, 309-модда) билан тасдиқланган «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 март,
10/2-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2012 йил 24 март,
5-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 март,
30-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 март,
01-02/19-5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.